

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ
ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР ФИЗИКАСИ ВА МИКРОЭЛЕКТРОНИКА
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА
ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
PhD.30.08.2018. FM/T.01.12 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИЕВА ЖАМИЛА РАЙИМЖОНОВНА

**КРЕМНИЙДА $3d$ ЎТИШ ВА I, III-V ГУРУҲ ЭЛЕМЕНТЛАРИ
АТОМЛАРИНИНГ ДИФФУЗИЯ ПАРАМЕТРЛАРИ**

01.04.10 – “Яримўтказгичлар физикаси”

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
physical-mathematical sciences**

Алиева Жамила Райимжоновна Кремнийда $3d$ ўтиш ва I, III-V гуруҳ элементлари атомларининг диффузия параметрлари	3
Алиева Жамила Райимжоновна Диффузионные параметры атомов $3d$ переходных и I, III-V групп элементов в кремнии	21
Alieva Jamila Rayimjonovna Diffusion parameters of atoms of $3d$ transient and I, III-V groups elements in Silicon.	37
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	41

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ
ЯРИМЎТКАЗГИЧЛАР ФИЗИКАСИ ВА МИКРОЭЛЕКТРОНИКА
ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА
ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
PhD.30.08.2018. FM/T.01.12 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИЕВА ЖАМИЛА РАЙИМЖОНОВНА

**КРЕМНИЙДА $3d$ ЎТИШ ВА I, III-V ГУРУҲ ЭЛЕМЕНТЛАРИ
АТОМЛАРИНИНГ ДИФФУЗИЯ ПАРАМЕТРЛАРИ**

01.04.10 – “Яримўтказгичлар физикаси”

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/FM77 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб - саҳифасида (ispm.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Носиров Мурод Закирович

физика-математика фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Абдурахманов Кахар Паттахович

физика-математика фанлари доктори, профессор

Зикриллаев Нурилла Фатхуллаевич

физика-математика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Наманган муҳандислик қурилиш институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий тадқиқот-институти ҳузуридаги фалсафа доктори илмий даражасини берувчи PhD.30.08.2018.FM/T.01.12 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100057, Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Янги Олмазор кўчаси, 20-уй. Тел.: (+99871) 248-79-94; факс: (+99871) 248-79-92; e-mail: info@ispm.uz), ЎзМУ қошидаги ЯФМ ИТИ мажлислар зали).

Диссертация билан Ахборот технологияларини жорий этиш бўлимида танишиш мумкин.

(___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100057, Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Янги Олмазор кўчаси, 20-уй. Тел.: (+99871) 248-79-59; e-mail: info@ispm.uz),

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги рақамли реестр баённомаси)

Ш.Б. Утамурадова

Фалсафа доктори илмий даражасини берувчи

Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

С.С. Насриддинов

Фалсафа доктори илмий даражасини берувчи

Илмий кенгаш котиби т.ф.д., доцент

А.Т. Мамадалимов

Фалсафа доктори илмий даражасини Илмий

кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,

ф.-м.ф.д., профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ҳозирги кунда яримўтказгичлар микроэлектроникасининг замонавий ривожланиш анъаналарида, интеграл микросхемалар ўлчамларининг микрометрдан субмикрон ва нанометрга ўтиши кузатилмоқда. Электрон тузилмалар элементларининг вертикал ўлчамларини камайтиришга аввало киришма атомлар диффузияси ҳароратини ва технологик жараёнларнинг давомийлигини камайтириш орқали эришилади. Бу ўз навбатида анъанавий киришма атомларининг кремнийга диффузияланишида мақсадли тадқиқотларнинг долзарблигини тасдиқловчи ўзгача жиҳатларга олиб келади. Кремнийда турли, шу жумладан, ноанъанавий киришма атомларининг диффузия параметрларини аниқлаш муҳим амалий вазифалардан биридир. Мазкур вазифаларнинг ҳал этилиши юқори самарадорликка эга ва кенг функционал аҳамиятга молик *p-n*-ўтишли асбобларни ишлаб чиқариш имкониятини оширади. Бунда киришма атомларининг диффузия параметрларини аниқлашнинг кўпқаражатли экспериментал аниқлаш усулларига муқобил бўлган компьютерда дастурий ҳисоблаш усулини кремнийдаги диффузия жараёнларига жорий этиш имкониятларидан фойдаланиш муҳим вазифалардан бўлиб келмоқда.

Бугунги кунда жаҳонда кремний негизида юқори самарали тузилмалар ишлаб чиқаришга йўналтирилган мақсадли илмий тадқиқотларни, жумладан: кремнийда атомлар диффузиясига тегишли тажриба натижаларининг классификациясини ишлаб чиқиш ва диффузия жараёнини моделлаштирувчи энг кичик квадратлар тадқиқот усулини ишлаб чиқиш; кремнийда кимёвий элементлар даврий жадвалининг турли I, III-V гуруҳ элементлари атомларининг асосий диффузия параметрларини мавжуд эмпирик маълумотларга таянган ҳолда олдиндан ишончли аниқлаш; $3d$ ўтиш элементлари атомларининг асосий диффузия параметрларини уларнинг физикавий-кимёвий кўрсаткичларига боғлиқлигини аниқлаш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда илм-фан соҳасидаги устувор йўналишларда, жумладан, яримўтказгичли кремний асосида анъанавий диффузия технологияларини жорий этиш орқали юқори самарали асбоблар яратиш бўйича муҳим натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига кўра, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини ривожлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш масалалари, жумладан, кремний негизида юқори самарали тузилмалар олиш мақсадида турли киришма атомларининг диффузия параметрларини ишончли аниқлаш усуллари тадқиқ қилиш катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 13 февралдаги ПҚ-2772-сонли «2017-2021 йилларда Электротехника саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот иши Республика фан ва технологиялар тараққиётининг 2012-2020 йилларга мўлжалланган “III. Энергетика, энергиятежамкорлик, транспорт, машина ва асбобсозлик; замонавий электроника, микроэлектроника, фотоника ва электрон асбобсозликни ривожлантириш” устувор йўналишига мос илмий дастурлар доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Яримўтказгич материалларда, хусусан, кремнийда киришма атомлари диффузиясини ўрганиш бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар жаҳондаги қатор ривожланган давлатлар илмий тадқиқот мусасаларида ва университетларида олиб борилмоқда. Жумладан, турли гуруҳ атомларининг кремнийда диффузиясини тадқиқ этиш билан йирик олимлар Ж.Волкер (АҚШ), Б.И.Болтакс (РФ), Д.Фишер (АҚШ) ва улар томонидан шакллантирилган илмий мактаблар илмий тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Кремнийда турли кимёвий элементларнинг диффузиясини ўрганиш бўйича жаҳонда жамланган илмий маълумотлар базасига Ўзбекистонлик олимлар академиклар М.С.Юнусов, Р.А.Муминов, М.Бахадирхонов, С.Зайнабидинов, А.Т.Мамадолимов ва профессорлар К.П.Абдурахманов, Н.Зикриллаев, Х.Далиев, Х.Илиев, Ш.Утамурадовалар ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар. Жумладан, чуқур энергетик сатҳлар, кўпзарядли комплекслар, наноўлчамли ички ва сиртий структуралар ҳосил қилувчи турли киришма атомларининг кремнийда диффузия жараёнларини, шунингдек, улар натижасида кремнийда кузатиладиган аномал фото-, термо-, тензо- ва радиацион сезгирлик ҳодисаларини ўрганиш борасида катта илмий аҳамиятга молик ютуқларга эришилган.

Яримўтказгичлар ҳажмида ножинсликлар мавжуд бўлган муҳит учун диффузия жараёнларининг Фик қонунлари асосида математик моделлари Д.Фишер, Р.Т.П.Уиппл, Т.Судзуоки ва М.Смолуховский томонидан ишлаб

чиқилган. Бундай назарий моделлар ва юқори аниқликка эга бўлган замонавий тажрибавий усуллар ёрдамида кремнийда диффузия жараёнларини тадқиқ этиш кенг миқёсда олиб борилмоқда.

Бироқ, тадқиқотларда энг кичик квадратлар усули анъанавий тарзда айнан бирор атомларнинг кремнийдаги диффузия параметрларини аниқлашда қўлланилган. Даврий жадвалнинг аниқ бир қатори ёки гуруҳидаги атомларнинг диффузия параметрларини уларнинг физик-кимёвий кўрсаткичларини эътиборга олган ҳолда яхлит ва компьютерда ҳисоблаш тадқиқ этилмаган ва у шу куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасидаги илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Андижон давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф-2-28. “Легирланган кремний сирти ва ҳажмидаги квант ўлчамли эффектлар ҳамда уларнинг *p-n*-структуралардаги заряд ташувчилар фотогенерация ва рекомбинация жараёнларига таъсири” (2012-2017 йй.) мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кремнийда кимёвий элементлар даврий системасининг I, III-V гуруҳ ва *3d* ўтиш элементларининг киришма атомлари диффузиясининг асосий параметрларининг эмпирик маълумотларни ва энг кичик квадратлар усули ёрдамида қайта ишлаш билан аниқлашдан иборат.

Белгиланган вазифалар қуйидагилардан иборат:

кремнийда атомлар диффузиясига тегишли тажриба натижаларининг классификациясини ишлаб чиқиш;

кремнийда атомлар диффузияси жараёнини моделлаштирувчи энг кичик квадратлар тадқиқот усулини ишлаб чиқиш;

кремнийда *3d* ўтиш элементлари атомларининг диффузия механизмларини энг кичик квадратлар усули орқали тадқиқ этиш;

кремнийда I, III ва V гуруҳ элементлари атомларининг диффузия механизмларини энг кичик квадратлар усули орқали тадқиқ этиш;

кремнийда IV гуруҳ элементлари атомларининг диффузия механизмларини энг кичик квадратлар усули орқали тадқиқ этиш;

поликристалл кремнийда атомлар диффузияси механизмларини энг кичик квадратлар усули орқали тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти монокристалл ва поликристалл кремний пластиналари ва уларга диффузияланган I, III-V гуруҳ ва *3d* ўтиш элементлари атомларининг диффузия параметрларидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети монокристалл ва поликристалл кремний пластиналари ва уларга диффузияланган I, III-V гуруҳ ва *3d* ўтиш элементлари

атомларининг асосий диффузия параметрларини эмпирик маълумотлардан ва энг кичик квадратлар усулидан фойдаланиб аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишда энг кичик квадратлар усулидан ва эмпирик маълумотлардан фойдаланган ҳолда монокристалл ва поликристалл кремний пластиналаридаги диффузия параметрлари аниқланган. Пластиналарга термик ишлов бериш ва диффузиялаш каби технологик усуллардан ҳамда сиртнинг киришмавий таркибини аниқлашда микроморфологик, электрон микроскоп ва рентген таҳлили усуллари қўлланилган.

Натижаларнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Илк бор кимёвий элементлар даврий жадвали атомларининг кремнийда диффузия жараёнига тегишли диффузия коэффициентлари, фаоллашиш энергиялари атомларнинг тартиб рақамларига, кристал панжаранинг боғланиш электронлар сонига мувофиқлиги ва ковалент радиусларига боғлиқлиги тажриба натижаларининг эмпирик ифодалари ишлаб чиқилган;

кремнийда атомлар диффузиясининг макроскопик назарияси, кристаллдаги тузилиш нуқсонлари, уларнинг термодинамикаси, диффузия жараёнлари кинетикасини тавсифловчи матн, жадвал, график ва диаграммаларни яратувчи “Visual Basic-6,0” дастури асосида ЭҲМ учун дастурий маҳсулот кўринишида энг кичик квадратлар тадқиқот усули ишлаб чиқилган;

кремнийда диффузияланувчи $3d$ элементлари атомларининг асосий диффузия параметрлари $D_0(x)$ ва $E(x)$ нинг қийматларини атомларнинг ($Sc, Ti, V, Cr, Mn, Fe, Co$ ва Ni) тартиб рақами ва массалари ортиб бориши билан камайиши энг кичик квадратлар усули орқали аниқланган;

илк бор даврий жадвалнинг I, III-V гуруҳларига мансуб ҳозиргача ўрганилмаган 12 та атомларнинг кремнийда диффузия коэффициенти ва фаоллашиш энергияси қийматлари энг кичик квадратлар усули орқали аниқланган;

бор (B) атомларининг поликристалл кремнийга термик диффузияланиш жараёнида кристал доналарда ва донадорлик чегара соҳаларида турлича диффузия коэффициентларига эга бўлиши туфайли кристалл бўйлаб заряд ташувчилар ҳаракатчанлигининг ўртача киришма концентрациясига боғлиқлигининг номонотон ўзгариши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кремнийда кимёвий элементлар даврий жадвалининг I, III-V гуруҳ ва $3d$ ўтиш элементлари учун алоҳида умумлашган шаклдаги атомлар диффузиясининг асосий параметрларини аниқлашга имкон берадиган эмпирик қонуниятлар ёрдамида турли киришма атомлари учун аниқланган диффузия коэффициенти ва атомларнинг фаоллашиш энергиясининг қийматлари аксарият

холларда экспериментал натижаларга қониқарли даражада мос келиши тасдиқланган;

даврий жадвалнинг амалий ўрганилмаган I, III-V гуруҳларига мансуб 12 та атомларнинг кремнийда диффузия коэффициентлари ва фаоллашиш энергиялари қийматлари аниқланган;

поликристал кремнийда заряд ташувчилар ҳаракатчанлигининг диффузияланган киришмалар концентрациясига боғлиқ равишда номонотон ўзгариши тажрибавий аниқланган;

кукунли холатдаги кремнийнинг ва ундан олинган поликристалл пластинанинг иссиқлик узатиш коэффициентининг тажрибавий қийматлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кремнийда кимёвий элементлар даврий жадвалининг I, III-V гуруҳ ва $3d$ ўтиш элементлари учун алоҳида умумлашган шаклдаги киришма атомлари диффузиясининг асосий параметрлари саналган диффузия коэффициентлари ва фаоллашиш энергияларининг атомлар тартиб рақамига, массасига ва орбитал радиусига боғлиқлигининг эмпирик қонуниятларининг ҳамда ҳозиргача ўрганилмаган I, III-V гуруҳларга мансуб 12 та атомларнинг кремнийда диффузия коэффициентлари ва фаоллашиш энергиялари қийматлари аниқланганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кремнийда кимёвий элементлар даврий жадвалининг I, III-V гуруҳ ва $3d$ ўтиш элементлари учун алоҳида умумлашган шаклдаги атомлар диффузиясининг асосий параметрлари диффузия коэффициентлари ва фаоллашиш энергияларини аниқлашга имкон берадиган эмпирик қонуниятлари ўрнатилган. Аниқланган диффузия параметрларидан фойдаланиб, кремнийда турли киришма атомларининг қўлланилиши туфайли олинган $p-n$ -ўтишли тузилмаларнинг хусусиятларини олдиндан баҳолаш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кремнийда кимёвий элементлар даврий системасининг I, III-V гуруҳ ва $3d$ ўтиш элементларининг киришма атомлари диффузиясининг асосий параметрларини эмпирик усулда аниқлаш асосида:

кремнийда турли гуруҳлар атомларининг диффузия коэффициентлари ва атомлар фаоллашиш энергияларини аниқлаш усулидан ОТ-Ф-2-28 рақамли “Легирланган кремний сирти ва ҳажмидаги квант ўлчамли эффектлар ҳамда уларнинг $p-n$ -структуралардаги заряд ташувчилар фотогенерация ва рекомбинация жараёнларига таъсири” фундаментал лойиҳасида юқори даражада легирланган юпқа қатламлар қалинлигини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 6 октябрдаги 39-01/04-349-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан

фойдаланиш натижавий кескин *p-n*-ўтишда номувозанатли заряд ташувчиларнинг самарали дрейфининг стимулланиши шартларини аниқлашга имкон берган;

диффузия коэффицентини энг кичик квадратлар усулида аниқлаш натижаларидан “№ БФ3/003 - Киришмали волтаик эффектга асосланган яримўтказгич негизли микро ва наноўлчамли ноанъанавий ва муқобил энергия манбаларини яратиш” фундаментал лойиҳада кремнийга ишқорий металл атомларининг диффузия параметрларини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 й. 06 октябрдаги 39-01/04-349-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш литий, натрий, калий, цезий каби атомлар диффузия коэффицентини ва фаоллашиш энергиясининг атомлар радиуси ва массасига боғланиш қонуниятини аниқлашга имкон берган;

эмпирик маълумотлар асосида энг кичик квадратлар усулида ҳисобланган атомлар диффузия коэффицентини ва фаоллашиш энергияси қийматларидан лабораторияда олинган тажриба натижалари билан таққослаш мақсадида фойдаланилган (Кимё технология ва металлургия университети (Болгария, София) илмий тадқиқот секторининг 2019 йил 20 майдаги маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш метал ва кремний таркибли метал кристалларида ноанъанавий атомларнинг турли ҳароратли диффузиясини таҳлил этишга имкон берган;

кремнийда атомлар диффузия параметрларини эмпирик аниқлаш бўйича олинган натижалардан яримўтказгичли ва фотовольтаик қурилмалар ишлаб чиқаришда фойдаланилган (“LeXsolar GmbH”, (Дрезден, Германия) илмий ишлаб чиқариш корхонасининг 2019 йил 01 майдаги №-102,MD – сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш яримўтказгичлар физикаси ва қайта тикланувчи энергия манбалари бўйича ишлаб чиқариладиган қурилмаларни такомиллаштиришга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг натижалари 5 та халқаро ва 10 та Республика миқёсидаги конференцияларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган. Шунингдек, диссертация иши Андижон давлат университетининг 2018 йил 18 октябрдаги (Баённома №3) ва 2019 йил 17 апрельдаги (Баённома №2) илмий семинарларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола нашр

этилган. 3 та ЭХМ учун дастурий маҳсулотга ЎзР ИМАнинг муаллифлик гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўртта боб, муаллифнинг чоп этилган илмий ишлари рўйхати, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат, 13 та расм ва 13 та жадвалга эга. Диссертация ҳажми 112 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Кремнийда легирловчи киришма атомлари диффузияси ва асосий диффузия параметрлари”** деб номланган биринчи бобида яримўтказгичларда, хусусан, кремнийда турли гуруҳларга доир киришма атомларининг диффузиясига тегишли назарий тасаввурлар ва илмий матбуотда нашр этилган тадқиқот натижалари таҳлил этилган. Кремний сиртида ва ҳажмида технологик факторлар таъсирида пайдо бўладиган турли характердаги ножинсликларнинг киришма диффузиясига таъсир этиши асосланган. Турли гуруҳ элементларининг кремнийдаги диффузиясини ифодаловчи экспериментал тадқиқотлар натижалари умумлаштирилган. Киришма атомлар диффузия коэффицентлари ва фаоллашиш энергияларининг турли олимлар томонидан аниқланган қийматларининг мутаносиб эмаслик ҳолатларига урғу берилган. Бундай номуносивликнинг физик ва технологик сабабларини ўрганиш долзарб эканлиги асосланган ҳолда диссертация тадқиқотининг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг **“Энг кичик квадратлар усули ёрдамида кремнийда атомларнинг диффузия параметрларини аниқлаш”** деб номланган иккинчи бобида энг кичик квадратлар усули ва тажриба натижаларини илмий таҳлил этишда компьютерда моделлаштириш технологиясидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Агар бирор физик катталиқ y бошқа катталиқ x га боғлиқ бўлса, бу боғланишни x нинг турли қийматлари учун y нинг қийматини ўлчаш йўли

билан ўрганиш мумкин. Ўлчаш натижасида қуйидаги қийматлар қатори аниқланади: $x_1, x_2, \dots, x_i, \dots, x_n$; $y_1, y_2, \dots, y_i, \dots, y_n$.

Тажиба натижаларига кўра $y=f(x)$ функция кўринишидаги графикни олиш мумкин. График кўринишидаги эгри чизик боғланиш функцияси $f(x)$ нинг кўриниши тўғрисида тасаввур ҳосил қилади. Лекин, функциянинг аниқ шаклидаги ўзгарувчилар олдидаги пропорционаллик коэффициентлари номаълумлигича қолади. Бундай ҳолатда энг кичик квадратлар усулини қўллаш мазкур коэффициентлар қийматларини осон аниқлашга имкон беради.

Тажибавий нуқталар одатда узлуксиз чизик устига аниқ тушмайди. Моҳиятан энг кичик квадратлар методи нуқталарнинг чизикдан оғиши квадратларининг йиғиндиси, яъни $[y_i - f(x_i)]^2$ нинг энг кичик бўлишини талаб этади. Амалиётда бу метод кўпроқ ўрганилаётган боғланиш чизикли бўлган ҳолда, яъни $y = kx$ ёки $y = a + bx$ бўлганда қўлланилади.

Агар тажибавий нуқталар қуйидаги ифодани қониқтирса:

$$y = a + bx, \quad (1)$$

x_i, y_i ларнинг мавжуд қийматларидан фойдаланиб, a ва b коэффициентларнинг энг яқин қийматларини топиш мумкин. Ўзгарувчи x_i, y_i ларнинг (1) тенглама билан ифодаланувчи тўғри чизикдан оғишлари квадратлари йиғиндисига тенг бўлган ўртача квадратик хатолик χ^2 учун ифода:

$$\chi^2 = \sum_{i=1}^n (y_i - a - bx_i)^2 \quad (2)$$

ва χ^2 нинг минимум шартларига мос келадиган a ва b нинг қийматлари топилади:

$$\frac{\partial \chi^2}{\partial a} = -2 \sum_{i=1}^n (y_i - a - bx_i) = 0, \quad \frac{\partial \chi^2}{\partial b} = -2 \sum_{i=1}^n x_i (y_i - a - bx_i) = 0.$$

Икки тенгламани биргаликда ечиб, қуйидагиларни оламыз:

$$b = \frac{\sum (x_i - \bar{x}) y_i}{\sum (x_i - \bar{x})^2} \quad (3)$$

$$a = \bar{y} - b\bar{x} \quad (4)$$

бу ерда $\bar{y} = \sum_{i=1}^n y_i$, $\bar{x} = \sum_{i=1}^n x_i$.

Бу усул билан ўлчаш натижаларини қайта ишлашда маълумотларни MS Excel жадвалига киритиш ва унинг ёрдамида (1)-(4) тенгламаларга кирувчи барча физик катталикларни ҳисоблаш мумкин. Ундан ташқари ўрганилаётган боғланишларнинг физик механизмини тушуниш учун ҳисоблаш натижаларини график ёки диаграмма шаклида кўрсатиш мумкин. MS Excel дастури нафақат чизикли, балки квадратик, кубик ва бошқа янада мураккаб кўринишдаги

функцияларнинг номаълум коэффициентлари қийматини осонгина ҳисоблашга имкон беради.

Одатда, элементларнинг кремнийдаги диффузия коэффициентлари ҳароратга қуйидаги қонуният асосида боғланган:

$$D = D_0 \exp(-E/kT) \quad (5)$$

бу ерда D_0 – экспонента олди кўпайтмаси, E - фаоллашиш энергияси. D_0 учун турли муаллифлар томонидан атомларнинг даврий жадвалдаги тартиб рақами Z га боғлиқ равишда турлича қийматлар олинган. D_0 нинг қиймати Z га қуйидагича қонун асосида боғланган деб қабул қиламиз:

$$D_0 = A_D Z^3 + B_D Z^2 + C_D Z + D_D.$$

Юқоридаги усулдан фойдаланиб I гуруҳ элементлари учун қуйидаги коэффициентларнинг қийматларини аниқлаймиз: $A_D = -1,46 \cdot 10^{-5}$; $B_D = 1,63 \cdot 10^{-3}$; $C_D = -3,55 \cdot 10^{-2}$; $D_D = 0,14$; $\chi^2 = 2,58 \cdot 10^{-2}$.

Шунингдек атомларнинг фаоллашиш энергияси учун қуйидаги ифодани оламиз:


$$E = A_E Z^3 + B_E Z^2 + C_E Z + D_E$$

Унинг учун ҳам коэффициентлар қийматларини топамиз:

$$A_E = -4,86 \cdot 10^{-6}; B_E = 6,98 \cdot 10^{-4}; C_E = -1,48 \cdot 10^{-2}; D_E = 0,81; \chi^2 = 2,18 \cdot 10^{-3}$$

Тажриба маълумотларини ва ҳисоблаш натижаларни MS Excell илова жадвалига жойлаштирамиз.

MS Excell илова дан фойдаланиб, атомлар диффузия коэффициентларининг даврий жадвалдаги тартиб рақамига боғлиқлик графигини олиш мумкин (1-расм).



Расм-1. Кремнийда I гуруҳ элементлари диффузия параметрларининг даврий жадвалдаги тартиб рақамига боғлиқлиги. Нуқталар – тажриба, узлуксиз чизиқ– ҳисоблаш натижалари.

Шунингдек, ушбу бобда кремнийда турли атомлар диффузияси жараёнларини, мавжуд диффузия механизмларини компьютерда моделлаштириш, улар асосида яримўтказгичли тузилмаларни, диод ва бошқа асбобларни моделлаштириш ҳамда уларнинг параметрларини ҳисоблаш

мақсадида дастлаб Visual Basic-6.0 дастурига таянган ҳолда «Кремнийда атомлар диффузияси» деб номланган дастурий маҳсулот, кейинчалик унинг «Кремнийда диффузия механизмлари» ва «Яримўтказгичли диодлар» номли иловалари яратилган.

Диссертациянинг “Кремнийда турли гуруҳ атомларининг диффузия параметрларини аниқлаш” деб номланган учинчи бобда $3d$ ўтиш элементлари атомларининг кремнийда диффузияланиши ва бундай жараёнга электронлар орбитал радиусларининг ва атом массаларининг таъсирини ўрганиш масаласига янгича ёндашилган.

Кремнийда $3d$ ўтиш элементларининг диффузия коэффициентлари учун қуйидаги:

$$D_0 = A_D Z^3 + B_D Z^2 + C_D Z + D_D$$

ва атомлар фаоллашиш энергиялари учун қуйидаги тенгламалар олинди:

$$E = A_E Z^2 + B_E Z + C_E$$

Мазкур тенгламаларга кирган коэффициентларнинг қийматлари юқоридагидек услубда ҳисобланди ва диффузия коэффициентлари тенграмаси учун қуйидаги:

$$A_D = 5,078E-04; B_D = -3,38E-02; C_D = 0,72; D_D = -4,89; \chi^2 = 2,79 \cdot 10^{-2}$$

ҳамда атомлар фаоллашиш энергиялари тенграмаси учун қуйидаги қийматлар топилди:

$$A_E = 8,45E-02; B_E = -4,48; C_E = 59,94; \chi^2 = 3,90E-02$$


1-жадвал.

Кремнийда $3d$ ўтиш элементлари атомларининг асосий диффузия параметрлари ва электрон ифодалари


Элемент /гуруҳи	Z	Электрон формуласи	$D_0, \text{см}^2/\text{с}$		$E, \text{эВ}$	
			Тажриба натижалари	Ҳисоблаш натижалари	Тажриба натижалари	Ҳисоблаш натижалари
<i>Sc/IIIa</i>	21	$\uparrow 3d^1 4s^2$	0,08	8,28E-02	3,2	3,17
<i>Ti/IVa</i>	22	$\uparrow 3d^2 4s^2$	0,12	0,11E-02	2,05	2,17
<i>V/Va</i>	23	$\uparrow 3d^3 4s^2$	0,009	3,27E-02	1,55	1,45
<i>Cr/Via</i>	24	$\uparrow 3d^5 4s^1$	0,00068	5,18E-03	0,79	0,94
<i>Mn/VIIa</i>	25	$\uparrow 3d^5 4s^2$	0,0024	6,5E-03	0,72	0,64
<i>Fe/VIIIa</i>	26	$\uparrow 3d^6 4s^2$	0,0011	2,98E-02	0,66	0,52
<i>Co/VIIIa</i>	27	$\uparrow 3d^7 4s^2$	8,50E-04	4,96E-02	0,5	0,55
<i>Ni/VIIIa</i>	28	$\uparrow 3d^8 4s^2$	0,0006	2,87E-02	0,76	0,72
<i>Cu/IIb</i>	29	$\uparrow 3d^{10} 4s^1$	0,015	2,07E-03	0,86	1,02
<i>Zn/IIb</i>	30	$\uparrow 3d^{10} 4s^1$	0,1	0,1	1,5	1,41

Турли манбалардан олинган тажриба маълумотлари ва ҳисоблаш натижаларини таққослаш мақсадида 1-жадвалга киритилди. Жадвалда атомларнинг ташқи электрон қобиклари учун электрон ифода ҳам келтирилган (ҳар бир қатор учун $\Pi = 1s^2 2s^2 2p^6 3s^2 3p^6$).

Олинган натижалардан фойдаланиб, MS Excell илованинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, атомлар диффузия коэффициентларининг (2а-расм) ва фаоллашиш энергияларининг (2б-расм) даврий жадвалдаги тартиб рақамига боғлиқлик графигини олиш мумкин.



Расм-2. Кремнийда 3d элементлари диффузия параметрларининг даврий жадвалдаги тартиб рақамига боғлиқлиги. Нукталар – тажриба, узлуксиз чизик – ҳисоблаш натижалари.



Расм-3. $3d$ ўтиш элементлари атомларининг диффузия коэффициентлари (а) ва фаоллашиш энергиялари (б)нинг $x = r/M$ га боғлиқлик графиги: нукталар – тажриба ва узлуксиз чизик – ҳисоблаш натижалари.

Ундан ташқари барча $3d$ ўтиш элементлари учун атомларнинг диффузия коэффициентлари ва фаоллашиш энергияларининг $x=r/M$ га боғлиги мос равишда қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$D_o = A_D + B_D x + C_D/x,$$

$$E = A_E x^2 + B_E x + C_E,$$

бу ерда r ва M мос равишда атомнинг орбитал радиуси ва атом оғирлиги. Ҳисоблаш натижалари ва тажриба маълумотлари 3-расмдаги графикда таққосланган. Графикдан кўринадикки, $3d$ элементлари учун $x = r/M$ ($A^\circ/(g/моль)$) ўзгарувчининг қиймати 0,02 дан 0,37 гача интервалда бўлади. D_o

(x) и $E(x)$ ларнинг қийматлари аксарият атомлар ($Sc, Ti, V, Cr, Mn, Fe, Co$ ва Ni) тартиб рақами ва массаси ортиб бориши билан камаяди.

Шунингдек Cu ва Zn атомлари учун аниқланган қонуниятдан оғиш кузатилади. 2- ва 3-расмлардаги графикларда кўринадиган D_0 ва E ларнинг аниқланган қонуниятдан оғиши улардаги валентликнинг фарқланишидан бўлиши мумкин. Агар 2-жадвалда келтирилган атомларнинг ташқи электрон қобикларидаги электрон ифодаларга эътибор қаратилса, $Sc, Ti, V, Cr, Mn, Fe, Co$ ва Ni атомларининг валентлиги орбитал квант сони 2 га тенг бўлган $3d$ қобикдаги ҳамда Cu ва Zn атомлари учун квант сони 0 га тенг бўлган $4s$ қобикдаги электронлар ҳисобига шаклланади. Бу қобиклар энергия ва орбиталар шакллари билан фарқланади. Диссертацияда таклиф этилган усул ёрдамида кремнийда кимёвий элементлар даврий жадвалининг турли гуруҳ атомлари диффузиясининг умумий жиҳатлари таҳлил этилди. Илмий матбуотда мавжуд турли муаллифларнинг манбаларидаги тажриба маълумотларидан фойдаланиб, даврий жадвалдаги кимёвий элементларнинг тартиб рақами, диффузия коэффициенти D_0 ва фаоллашиш энергияси E га боғлиқлиги ўрганилди.


Агар (5) тенгламадаги коэффициент D_0 ва атомларнинг активлашув энергияси E ни кимёвий элемент тартиб рақамига боғлиқлик графиги тажриба натижаларига асосланиб чизилса, боғлиқликнинг бир нечта соҳалари квадрат ёки кубик характерга эга бўлишини тахмин қилиш мумкин. Шу сабабли кимёвий элемент тартиб рақами ва диффузия коэффициентлари орасидаги боғлиқликни ифодалаш мақсадида даврий жадвалнинг IV гуруҳ элементлари диффузиясидаги тажрибавий катталикларни эркин ўзгартириш учун қуйидаги умумлашган ифода олинди:

$$D_0 = A_D Z^3 + B_D Z^2 + C_D Z + D_D \quad (6)$$

Шунингдек, атомларнинг активлашиш энергиялари учун қуйидаги мантиқий умумлашган ифода олинди:

$$E = A_E Z^3 + B_E Z^2 + C_E Z + D_E, \quad (7)$$

Келтирилган коэффицентларнинг (доимий катталикларнинг) қийматларини топиш учун энг кичик квадрат усулидан фойдаланилди ва қуйидагилар аниқланди: (6) ифода учун: $A_D = 150,70$; $B_D = -4298,47$; $C_D = 45946,46$; $D_D = -151363,25$; $\chi^2 = 2,49 \cdot 10^{-8}$; (7) ифода учун: $A_E = 4,16 \cdot 10^{-3}$; $B_E = -0,17$; $C_E = 2,51$; $D_E = -8,95$; $\chi^2 = 6,5 \cdot 10^{-13}$. Тажриба маълумотлари ва ҳисоблаш натижалари график кўринишда келтирилган (Расм-4.).



Расм-4. Кремнийда IV гуруҳ элементлари диффузия параметрларининг киришма атомларининг даврий жадвалдаги тартиб рақамига боғлиқлиги. Нуқталар – тажриба, узлуксиз чизиқ – ҳисоблаш натижалари.

Шундай қилиб, кимёвий элементлар даврий жадвалининг IV гуруҳ атомлар диффузиясининг турли параметрлари ягона нуқтаи назардан таҳлил этилди. Экспонента олди коэффициентини ва атомларнинг активлашиш энергиясининг кимёвий элемент тартиб рақамига боғлиқлигини тасвирлаш учун умумий тенглама олинди. Бу ифодадан фойдаланиб тажрибавий маълумотлари мавжуд бўлмаган кимёвий элементнинг тартиб рақами орқали экспонента олди коэффициентини ва атомларнинг активлашиш энергиясини аниқлаш мумкин. Яратилган усулдан фойдаланиб кремнийда диффузия параметрларини аниқлаш учун турли гуруҳ элементлари бўйича тадқиқотлар ўтказилди ва натижалар умумлаштирилди.

Диссертациянинг “**Поликристал кремнийда атомлар диффузиясининг ўзига хослиги**” деб номланган тўртинчи бобида ножинсли материал сифатида поликристалл кремний танланиб, унда кечадиган атомларнинг хаотик иссиқлик диффузияси жараёнлари билан боғлиқ физик ҳодисалар таҳлил этилган.

Поликристалл материалнинг электр ўтказувчанлиги:

$$\sigma = (q\mu n_0 L \varphi / lkT) \exp(-\varphi/kT), \quad (8)$$

бу ерда L -донадорлик ўлчами, l -донадорлик чегарасидаги ўтказувчан қатлам кенглиги, φ -донадорлик чегарасидаги потенциал барьер баландлиги:

$$\varphi = (qn_s l / \chi) (1 - n_s / 4n_0 l). \quad (9)$$

Хусусан, $\varphi(n_0)$ ва $\mu(n_0)$ боғланишларда донадорлик чегарасидаги заряд ҳолатлар зичлиги n_s муҳим ўрин тутади. Масалан, n_s нинг қиймати 10^{-8} см⁻² дан 10^8 см⁻² гача ўзгарганда, потенциал барьернинг баландлиги $\varphi(n_0)$ унинг тўйиниш соҳасида 0,016 дан 0,16 эВ гача ўзгаради.

Поликристалл кремнийда ЗТлар ҳаракатчанлигининг аномал ўзгариши (5-расм) материалнинг легирлаш даражасининг ортиб бориши билан донадорликлар орасидаги ҳудудда электр ўтказувчанликнинг n -типдан (6-а расм) p -типга (6-б расм) ўзгариши механизми асосида тушунтирилган. Таклиф этилган заряд ташувчилар ҳаракатчанлигининг аномал ўзгаришини ҳисоблаш услуби илгари экспериментал олинган маълумотларни қондирувчи натижалар олишга имкон берди. Бошқача айтганда, бу услуб поликристалл кремний негизида асбобларни тайёрланинг оптимал технологик тартибларини ёхуд уларнинг чиқиш параметрларининг ишончлилигини башорат қилишга хизмат қилади.

ХУЛОСА

1. Кремнийда турли киришма атомларининг асосий диффузия параметрларини атомларнинг физик-кимёвий кўсаткичларига боғланишларини энг кичик квадратлар усулидан фойдаланган ҳолда юқори аниқликда ҳисоблашга асосланган янги тадқиқот методи ишлаб чиқилган.

2. Илк бор кремнийда кимёвий элементлар даврий жадвалининг I, III-V гуруҳ ва $3d$ ўтиш элементлари учун алоҳида умумлашган шаклдаги киришма атомлари диффузиясининг асосий параметрлари саналадиган диффузия коэффициентлари ва фаоллашиш энергияларининг атомлар тартиб рақамига боғлиқлигининг эмпирик қонуниятлари аниқланган.

3. Кремнийда $3d$ ўтиш элементлари учун киришма атомларининг асосий диффузия параметрларининг атомлар массасига ва орбитал радиусига боғланишининг эмпирик қонуниятлари аниқланган.

4. Кремнийда диффузияланувчи $3d$ элементлари учун асосий диффузия параметрлари $D_o(x)$ и $E(x)$ нинг қийматлари аксарият атомлар ($Sc, Ti, V, Cr, Mn, Fe, Co$ ва Ni) тартиб рақами ва массаси ортиб бориши билан камайиши, шунингдек Cu ва Zn атомлари учун диффузия параметрларининг мазкур қонуниятдан оғиши аниқланган ҳамда бундай оғишлар атомлар ташқи (валентлик) электрон хусусиятларининг фарқланиши билан асосланган.

5. Илк бор даврий жадвалнинг I, III-V гуруҳларига мансуб ҳозиргача ўрганилмаган 12 та атомларнинг кремнийда диффузия коэффицентлари ва фаоллашиш энергиялари қийматлари аниқланган.

6. Бор атомларининг поликристалл кремнийга термик диффузияланишида кристал доналарда ва донадорлик чегара соҳаларида турлича диффузия коэффицентларига эга бўлиши туфайли материал бўйлаб заряд ташувчилар ҳаракатчанлигининг ўртача киришма концентрациясига боғлиқлигининг номонотон ўзгариши аниқланган ҳамда бу ҳолат донадорликлар орасидаги худудда электр ўтказувчанликнинг бир турдан қарама-қарши турга алмашилиши механизми билан асосланган.

7. Илк бор кукунли кремний ва ундан пресслаб олинган поликристал пластинанинг иссиқлик узатиш хусусиятлари ҳамда иссиқлик узатиш коэффицентининг тажриба қийматлари аниқланган.

8. Назарий ҳисоблашлар ва натижаларни таҳлил этишга мўлжалланган, илмий ва таълимий аҳамиятга молик ЭҲМ учун дастурлар яратилган: “Кремнийда атомлар диффузияси” (М.г. № DGU 0021, 2015); “Кремнийда диффузия механизмлари” (М.г. № DGU 02507, 2012); “Яримўтказгичли диодлар” (М.г. № DGU 0019, 2015).

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.30.08.2018.FM/Т.01.12
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ
ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ ФИЗИКИ
ПОЛУПРОВОДНИКОВ И МИКРОЭЛЕКТРОНИКИ
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

АЛИЕВА ЖАМИЛА РАЙИМЖОНОВНА

**ДИФФУЗИОННЫЕ ПАРАМЕТРЫ АТОМОВ $3d$ ПЕРЕХОДНЫХ И I, III-V
ГРУПП ЭЛЕМЕНТОВ В КРЕМНИИ**

01.04.10 – Физика полупроводников

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИХ НАУК**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2019.1.PhD/FM77.

Диссертация выполнена в Андижанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (ispm.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель: **Носиров Мурод Закирович**
Кандидат физико-математических наук, доцент

Официальные оппоненты: **Абдурахманов Кахар Паттахович**
доктор физико-математических наук, профессор

Зикриллаев Нурилла Фатхуллаевич
доктор физико-математических наук, профессор

Ведущая организация: **Наманганский инженерно строительный институт**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2019 года в __ часов на заседании Научного совета по присуждению ученой степени доктора философии PhD.30.08.2018.FM/T.01.12 при Научно-исследовательском институте физики полупроводников и микроэлектроники Национального университета (Адрес: 100057, Узбекистан, г. Ташкент, ул. Янги Алмазар, дом 20. Тел: (+99871) 248-79-94, факс (+99871) 248-79-92, e-mail: info@ispm.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Отделе внедрения информационных технологий института (зарегистрирована за № __) по адресу: 100057, Узбекистан, г. Ташкент, ул. Янги Алмазар, дом 20. Тел: (+99871) 248-79-59.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2019 года
(реестр протокола рассылки № __ от «__» _____ 2019 г.)

Ш.Б.Утамурадова
председатель Научного совета по присуждению
ученой степени доктора философии,
д.ф.-м.н., профессор

С.С.Насриддинов
ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученой степени доктора философии,
д.т.н., доцент

А.Т.Мамадалимов
председатель Научного семинара при Научном
совете по присуждению ученой степени доктора философии,
д.ф.-м.н., профессор, академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире традициях развития полупроводниковой микроэлектроники наблюдается переход размеров интегральных микросхем от микрометра на субмикронны и нанометры. Уменьшение вертикальных размеров электронных микроструктур достигается, в первую очередь, за счет снижения температуры диффузии примесных атомов и продолжительности технологических процессов. Это в свою очередь приводит к особенностям процессов диффузии примесных атомов в кремнии, исследования которых является актуальным. Определение основных параметров диффузии различных, в том числе нетрадиционных атомов в кремнии является одним из важных прикладных задач. Решение указанных задач позволяет значительно расширять возможностей производства кремниевых приборов с *p-n*-переходом с высокой эффективностью и функциональностью. При этом остаётся важной задачей разработка методов расчетного определения основных диффузионных параметров различных атомов в кремнии, основанных на использовании существующих эмпирических данных, в качестве альтернативного традиционным дорогостоящим экспериментальным методам.

На данный момент в мире в плане усовершенствования кремниевых структур с *p-n*-переходом считается целесообразным выполнение целевых исследований, в частности, направленных на: разработку классификации экспериментальных данных по диффузии различных атомов в кремнии и метода исследования путем моделирования на основе метода наименьших квадратов процессов диффузии атомов; определение основных диффузионных параметров примесных атомов I, III-V групп элементов используя существующие в научной литературе эмпирических данных; определение основных параметров диффузии атомов *3d* переходных элементов в кремнии в зависимости от их физико-химических показателей а также механизмов их диффузии.

В нашей стране в приоритетных направлениях развития науки, в частности, в создании эффективных приборных структур на основе кремния получены важные результаты. Согласно Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в вопросах создания эффективных механизмов развития научно-исследовательской и инновационной деятельности, внедрения в практику научных и инновационных достижений уделяется особое внимание, между прочем и исследованию достоверных методов определения диффузионных параметров различных атомов легирующих элементов в кремнии с целью создания высокоэффективных приборных структур.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит выполнению задач, определённых в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Указе № УП-2772 от 13

февраля 2017 года «О приоритетных направлениях развития электротехнической промышленности в 2017-2021 годы» и Указе №УП-2789 от 17 февраля 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию организации, руководства и финансирования деятельности и научно-исследовательской работы Академии наук», а также других нормативно-правовых актах, касающихся данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данная исследовательская работа выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий: «III. Энергетика, энергоресурсосбережение, транспорт, машино- и приборостроение; развитие современной электроники, микроэлектроники, фотоники, электронного приборостроения».

Степень изученности проблемы. Исследования по усовершенствованию диффузионных процессов атомов на кремниевой основе ведутся во многих научно-исследовательских центрах и университетах передовых стран мира. В частности, научным и теоретическим основам диффузии различных легирующих атомов в кремнии посвящены научные исследования Ж.Волкер (США), Б.И.Болтакс (РФ) и Д.Фишер (США).

